



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SAMARQAND VILOYATI HOKIMINING QARORI

Samarqand sh., Ko'ksaroy maydoni, 1-uy.

20 21-yil 21 - июнь

127 – K-son

Samarqand sh.

**Вилоятдаги маҳаллий ижро этувчи
ҳокимият органлари қарорларини
ишлаб чиқиш, келишиш ва
рўйхатдан ўтказишнинг “Е-qaror”
электрон тизимини жорий этиш
чоралари тўғрисида**

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 25-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2021 йил 3 февралдаги ПФ–6155-сон Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан қабул қилинадиган қарорларни ишлаб чиқиш, келишиш ва рўйхатдан ўтказишнинг ягона электрон тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 14 апрелдаги 218-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-6155-сон Фармонига асосан, 2021 йил 1 июлгача маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан қабул қилинадиган қарорларни ишлаб чиқиш, келишиш ва рўйхатдан ўтказишнинг “Е-qaror” электрон тизими жорий этилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Куйидагилар:

махаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган қарорларни ишлаб чиқиш ва келишишга алоқадор бўлган ташкилотлар рўйхати (кейинги ўринларда – масъул ижрочи ташкилотлар) 1-иловага мувофиқ;

Самарқанд вилоятида “Е-qaror” электрон тизимини йўлга қўйиш бўйича ишчи гуруҳи таркиби 2-иловага мувофиқ;

“Е-qaror” электрон тизимида ишлаш бўйича масъул ходимни бириктириш юзасидан намунавий буйруқ лойиҳаси 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Самарқанд вилоятида “Е-qaror” электрон тизимини йўлга қўйиш бўйича ишчи гуруҳи :

масъул ижрочи ташкилотлар томонидан мазкур қарор бажарилишини мониторинг қилиш;

масъул ижрочи ташкилотларга “Е-qaror” электрон тизимини йўлга қўйиш бўйича тушунтиришлар бериб бориш;

масъул ижрочи ташкилотлар ходимларидан иборат “Телеграм” ижтимоий тармоғида гуруҳ ташкил этиш ҳамда унга келиб тушган саволларга тушунтиришлар бериб бориш;

“Е-qaror” электрон тизимини ишга тушириш бўйича зарур чораларни кўриш топширилсин.

4. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Ж.Ураков), вилоят ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи (Б.Рахматуллаев), вилоят ҳокимлиги Ишлар бошқармаси (Н.Саидов), туман (шаҳар) ҳокимликлари ва масъул ижрочи ташкилотлар “Е-qaror” электрон тизимини вилоятда жорий этиш мақсадида 3 кунлик муддатда куйидаги тадбирларни амалга оширсин:

“Е-qaror” электрон тизимида ишлаш бўйича ўзларининг масъул ходимларни фармойиш (буйруқ) асосида бириктириш;

Давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор “UZINFOCOM” МЧЖга ўз расмий бланкларни (MS word форматда) юбориш;

вилоят, туман (шаҳар) ҳокимининг барча ўринбосарлари, котибият мудирлари, гуруҳ ва бўлим раҳбарлари, маслаҳатчилари ҳамда юридик хизмат ходимларини электрон рақамли имзо билан таъминлаш;

<https://id.egov.uz/> тизимидан ходимларни рўйхатдан ўтказиш (ҳоким, масъул таркибий бўлинма раҳбари, модератор, юридик хизмат ходими ва ҳ.к);

ташкилотдаги модераторни (1 нафар масъул ходимни) id.egov.uz да авторизациядан ўтказиш (“UZINFOCOM” МЧЖга администратордан кабинет очишни сўраб e-qaror.gov.uz да келтирилган намуна хатни юклаш, уни тўлдириб, “UZINFOCOM” МЧЖнинг govuz@uzinfocom.uz почтасига юбориш).

5. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Ж.Ураков), вилоят ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи (Б.Рахматуллаев), вилоят ҳокимлиги Ишлар бошқармаси (Н.Саидов), туман (шаҳар) ҳокимликлари “Е-qaror” электрон тизими жорий этилгандан (биринчи электрон рақамли имзо билан қарор ва фармойиш қабул қилинган кундан) бошлаб:

ҳоким қарорларини қоғоз шаклида қабул қилинишини;

ҳокимликлардаги мавжуд қарор ва фармойишларни рўйхатга олиш журналларига (электрон) қарор ва фармойишларни рўйхатдан ўтказилишини тўхтатсин.

6. Вилоятдаги давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимият органлари:

қарор ва фармойишлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишиш жараёнлари “Е-qaror” электрон тизими орқали тўлиқ амалга оширилиши бўйича тезкор ташкилий ва техник чора-тадбирларни амалга оширсин;

“Е-qaror” электрон тизимини ишлаш тартиби ва механизмларини такомиллаштириш юзасидан таклифларни тайёрлаб вилоят Адлия бошқармасига тақдим этилишини таъминласин.

7. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси (Д.Хўжамбердиев) масъул ижрочи ташкилотларни “Е-qaror” электрон тизимига улаш ҳамда тизимни узлуксиз фаолият кўрсатишини таъминлаш ишларини амалга оширсин.

8. Давлат хизматлари агентлигининг ҳудудий бошқармаси (М.Қурбонов) ҳокимлик ва масъул ижрочи ташкилотлар ходимларини белгиланган тартибда электрон рақамли имзо билан таъминласин.

9. Белгилаб қўйилсинки, вилоят ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи (Б.Рахматуллаев), вилоят ҳокимлиги юридик хизмат (Н.Норматова), вилоят ҳокимлиги девонхона бўлими (Б.Амонов), туман (шаҳар) ҳокимлари, масъул ижрочи ташкилотлар раҳбарлари вилоятда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳужжатларини (қарор, фармойиш) ишлаб чиқиш, келишиш ва қабул қилиш жараёнларини фақатгина “Е-qaror” электрон тизими орқали амалга оширилиши учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

10. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги “Давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор “UZINFOCOM” МЧЖ томонидан “Е-qaror” электрон тизимини вилоят, туман (шаҳар) ҳокимликлари, вилоят, туман (шаҳар)даги давлат органлари ва ташкилотларида жорий этилиши муносабати билан вилоят ҳокимлиги Ишлар бошқармаси (Н.Саидов), туман (шаҳар) ҳокимликлари “UZINFOCOM” МЧЖ билан тегишли шартномаларини қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда тузилишини таъминласин.

11. Вилоят ҳокимлиги Ишлар бошқармаси (Н.Саидов), вилоят Молия бош бошқармаси (Б.Мирзаев), туман (шаҳар) ҳокимликлари бир ҳафта муддатда вилоят, туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан “Е-qaror” электрон тизимини тегишли вилоят, туман (шаҳар) ҳокимлигида жорий этиш билан боғлиқ тўловларни амалга оширилишини таъминласин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Вилоят ҳокими



Э. Турдимов



Вилоят ҳокимининг
2021 йил "21" июн даги
127-5 -сон қарорига
1-илова

**“E-qaror” электрон тизими билан ишлайдиган
(уланадиган) ташкилотлар
РЎЙХАТИ**

Вилоят даражасидаги ташкилотлар номи

I. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар

1. Вилоят прокуратураси
2. Вилоят Ички ишлар бошқармаси
3. Президент Халқ қабулхонаси вилоят бўлими
4. Вилоят Давлат солиқ бошқармаси
5. Вилоят Адлия бошқармаси
6. Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги вилоят бошқармаси
7. Вилоят Божхона бошқармаси
8. Вилоят Мудофаа ишлари бўйича бошқармаси
9. Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти вилоят бошқармаси
10. Вилоят Фавқулодда вазиятлар бошқармаси
11. Вилоят Суди
12. Маъмурий ишлари бўйича вилоят суди

**II. Молия-иқтисодиёт ва қамбағалликни қисқартириш масалалари
комплексига кирувчи бошқарма ва ташкилотлар**

13. Вилоят Иқтисодий тарақиёт ва қамбағалликни қисқартириш бош бошқармаси
14. Вилоят ҳокимлиги Молия бош бошқармаси
15. Вилоят Давлат молиявий назорат бошқармаси
16. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси вилоят бошқармаси
17. Вилоят бўйича Ғазначилик бошқармаси
18. Вилоят Бандлик бош бошқармаси
19. Вилоят Статистика бошқармаси
20. Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси
21. Вилоят Архив иши бошқармаси
22. Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси вилоят бошқармаси
23. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вилоят ҳудудий бошқармаси
24. “Ўзтелеком” акциядорлик компанияси вилоят филиали

25. “Ўзбекистон почтаси” акциядорлик жамияти вилоят филиали
26. Вилоят Бозорлар ва савдо комплекслари уюшмаси
27. “Ўзагросуғурта” ДАСК вилоят дирекцияси
28. “Ўзбекинвест” экспорт импорт миллий суғурта компанияси вилоят филиали
29. “Кафолат” суғурта компанияси
30. “Самарқанд дори-дармон” акциядорлик жамияти
31. Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги Самарқанд вилояти филиали
32. Самарқанд вилояти Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳудудий бирлашмаси
33. “Хунарманд уюшмаси” Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси
34. “Тасвирий ойна” ижодий уюшмаси вилоят бўлинмаси
35. Марказий банкнинг вилоят бош бошқармаси
36. “Ипотека банк” вилоят филиали
37. “Агробанк” вилоят бошқармаси
38. ТИФ “Миллий банк” вилоят филиали
39. “Асака банк” вилоят филиали
40. “Турон банк” вилоят филиали
41. “Траст банк” вилоят филиали
42. “Ҳамкор банк” вилоят бошқармаси
43. “Микрокредит банк” вилоят филиали
44. “Савдогарбанк” вилоят филиали
45. “Халқ банки” вилоят филиали
46. “Ипак йўли банки” вилоят филиали
47. “Қишлоққурилиш банк” вилоят филиали
48. “Алоқа банк” вилоят филиали
49. “Саноат қурилиш банк” вилоят филиали
50. “Капитал банк” вилоят филиали
51. “Ориент финанс банк” вилоят филиали
52. “Инфинбанк” вилоят филиали
53. “ASIA ALLIANCE BANK” АТБ Самарқанд филиали

III. Саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари комплексига кирувчи бошқарма ва ташкилотлар

54. Самарқанд вилояти Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси
55. Вилоят ҳокимлиги Инжиниринг компанияси
56. “Қишлоқ қурилиш инвест” ихтисослаштирилган шўъба масъулияти чекланган жамияти. Инжиниринг компанияси
57. Вилоят Қурилиш бош бошқармаси
58. Самарқанд вилоят Давлат Архитектура-қурилиш назорат инспекцияси
59. Ўзбекгидрогеология давлат унитар корхонаси Зарафшон Гидрогеология станцияси

60. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ҳузуридаги инфратузилмани ривожлантириш инженеринг компанияси давлат унитар корхонаси Самарқанд вилоят филиали
61. Самарқанд вилояти Транспорт бошқармаси
62. “Hududgazta’minot” акциядорлик жамияти “Hududgaz Samarqand” газ таъминоти филиали
63. “Самарқанд ҳудудий электр тармоқлари корхонаси” акциядорлик жамияти
64. Вилоят “Сувоқова” ишлаб чиқариш бирлашмаси
65. Вилоят “Иссиқлик манбаи” акциядорлик жамияти
66. Вилоят Автомобиль йўллари ҳудудий бош бошқармаси
67. “Мароканднефтбаза” унитар корхонаси
68. Ўзбекистон Республикаси саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси Самарқанд ҳудудий бошқармаси
69. “Давсувназорат” инспекцияси вилоят бўлими
70. Самарқанд вилояти “Тоза ҳудуд” давлат унитар корхонаси
71. Вилоят Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси
72. “Уй жой фонди инспекцияси” вилоят ҳудудий инспекцияси
73. “Мароқанд обод” давлат унитар корхонаси
74. Сув таъминоти ва канализация тармоқлари қурилиши инжиниринг компанияси вилоят бўлими
75. Самарқанд минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати давлат унитар корхонаси
76. Кадастр агентлиги ҳузуридаги Давлат кадастрлари палатасининг Самарқанд вилояти бошқармаси

IV. Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари комплексига кирувчи бошқарма ва ташкилотлар

77. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси вилоят бошқармаси
78. Вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси
79. Самарқанд вилоят “Агросервис машина трактор парклари” маъсулияти чекланган жамияти
80. Вилоят “Агрокимёхимоя” ҳудудий акциядорлик жамияти
81. “Ўзпахтасаноат” АЖ Самарқанд вилояти минтақавий терминали
82. “Зарафшон” ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси
83. Вилоят насос станциялари ва энергетика бошқармаси
84. “Ўзагролизинг” акциядорлик жамияти Самарқанд вилоят филиали
85. “Самарқандбалиқсаноат” масъулияти чекланган жамияти
86. Вилоят Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши
87. Ўзбекистон Республикаси Пиллачилик ва қорақўлчиликни ривожлантириш қўмитаси Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси
88. Самарқанд вилояти ҳудудий “Агропилла МЧЖ”
89. “Қорақўл” вилоят ҳудудий уюшмаси
90. Вилоят ўсимликлар карантини давлат инспекцияси

91. Ўзбекчорванасл агентлигининг вилоят ҳудудий “Чорванасл” маркази
92. “Уруғчиликни ривожлантириш маркази” ДУК вилоят бошқармаси
93. Ветеринария илмий тадқиқот институти вилоят давлат ветеринария бошқармаси

V. Ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар комплексига кирувчи бошқарма ва ташкилотлар

94. Вилоят Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш бошқармаси
95. Вилоят Халқ таълими бошқармаси
96. Вилоят Мактабгача таълим бошқармаси
97. Таълим сифатини назорат қилиш инспекцияси вилоят бўлими
98. Вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси
99. Вилоят Телерадиокомпанияси
100. “Юксалиш” умуммиллий ҳаракатининг Самарқанд вилоятидаги ҳудудий бўлинмаси
101. Ёшлар ишлари Агентлиги вилоят бошқармаси
102. Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Самарқанд вилоят Кенгаши
103. Маънавият-маърифат маркази вилоят бўлими
104. Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг вилоят бошқармаси
105. Самарқанд давлат университети
106. “Ипак йўли” туризм халқаро университети
107. Самарқанд давлат архитектура қурилиш институти
108. Самарқанд давлат чет тиллар институти
109. Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
110. Самарқанд давлат тиббиёт институти
111. Самарқанд ветеринария медицинаси институти
112. ТАТУ Самарқанд филиали
113. Тошкент давлат иқтисодиёт университети Самарқанд филиали
114. “Самарқанд шаҳрида “Россия давлат жисмоний тарбия, спорт, ёшлар ва туризм университети” федерал давлат бюджети олий таълим муассасасининг филиали

VI. Инвестициялар ва ташқи савдо масалалари комплексига кирувчи бошқарма ва ташкилотлар

115. Вилоят Инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси
116. Давлат активларини бошқариш агентлигининг Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси
117. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси

- 118. Капитал бозорни бошқариш агентлиги Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси
- 119. Монополияга қарши курашиш бошқармаси
- 120. “Ургут” эркин иқтисодий зонаси

**VII. Туризм, спорт, маданият, маданий мерос ва оммавий
коммуникациялар масалалари комплексига кирувчи бошқарма ва
ташкилотлар**


- 121. Вилоят Туризмни ривожлантириш департаменти
- 122. Вилоят Маданият бошқармаси
- 123. Вилоят Туризм ва спорт бошқармаси
- 124. Вилоят Маданий мерос бошқармаси
- 125. Вилоят Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси
- 126. “Ўзбеккино” миллий агентлиги вилоят бўлими
- 127. Самарқанд Давлат тарихий-меъморий ва бадий музей қўриқхонаси

**VIII. Жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар масалалари
комплексига кирувчи ташкилотлар**

- 128. Ўзбекистон Муслмонлар идораси Самарқанд вилоят вакили, “Вақф” хайрия жамоат фонди вилоят бўлими бошлиғи
- 129. “Ватанпарвар” ташкилоти вилоят Кенгаши
- 130. “Тадбиркор аёл” уюшмаси вилоят бўлими
- 131. Самарқанд вилояти Касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши

Юқорида кўрсатилган ташкилотларнинг туман (шаҳар)лардаги бўлимлари

Тайёрлади: вилоят ҳокимлиги
ташкилий-назорат гуруҳи биринчи
тоифали мутахассиси



А. Абдураимов



Вилоят ҳокимининг

2021 йил “21” июн даги
127-9 -сон қарорига
2-илова

**Самарқанд вилоятида “Е-qaror” электрон тизимини йўлга қўйиш
бўйича ишчи гуруҳи таркиби**

- | | |
|--------------------|---|
| 1. Ж.Ураков | Вилоят ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари – <i>Штаб раҳбари</i> |
| 2. Б.Рахматуллаев | Вилоят ҳокимлиги Ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари |
| 3. Н.Саидов | Вилоят ҳокимлиги Ишлар бошқармаси бошлиғи в.б. |
| 4. Б.Амонов | Вилоят ҳокимлиги девонхона бўлими мудир |
| 5. О.Шодикулов | Самарқанд вилояти Адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари |
| 6. Ф.Ахмеджанов | Самарқанд вилояти Давлат солиқ бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари |
| 7. М.Курбонов | Давлат хизматлари агентлигининг ҳудудий бошқармаси бошлиғи |
| 8. Д.Хўжамбердиев | Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси – <i>Штаб котиби</i> |
| 9. А.Анваров | Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази давлат унитар корхонаси директори |
| 10. Келишувга кўра | Адлия вазирлиги Ишчи гуруҳи аъзолари |

Тайёрлади: вилоят ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи биринчи тоифали мутахассиси

А. Абдураимов



Вилоят ҳокимининг
2021 йил “21” июн даги
127-К -сон қарорига
3-илова

НАМУНА

ТАШКИЛОТ РАСМИЙ БЛАНКАСИ

2021 йил “___” январь

_____-сон

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил 14 апрелдаги “Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари
томонидан қабул қилинадиган қарорларни ишлаб чиқиш, келишиш ва
рўйхатдан ўтказишнинг ягона электрон тизимини жорий этиш чора-
тадбирлари тўғрисида”ги 218-сон қарори ижросини таъминлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил
14 апрелдаги 218-сон қарори (кейинги ўринларда – қарор) ижросини
таъминлаш мақсадида,

Б У Ю Р А М А Н:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил
14 апрелдаги “Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан қабул
қилинадиган қарорларни ишлаб чиқиш, келишиш ва рўйхатдан ўтказишнинг
ягона электрон тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 218-сон
қарори маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ташкилот раҳбари ўринбосари (Ф.И.Ш), ташкилот юридик хизмати
(Ф.И.Ш), ташкилот девонхонаси (Ф.И.Ш) ва ахборот технологияри бўйича
масъул ходим (Ф.И.Ш) маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг
қарорлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш, келишиш ва рўйхатдан ўтказиш
ягона электрон – “Е-қарор” тизимидан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши
тартибига қатъий риоя қилсин.

3. Масъул ижрочилар мазкур электрон тизим орқали маҳаллий ижро
этувчи ҳокимият органларининг қарорларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш,
рўйхатдан ўтказиш, уларга такрорланмайдиган махсус рақам бериш
ва автоматик тарзда эълон қилиш жараёнини бошқариш ва назорат қилиш,
шу жумладан, зарурат туғилганда манфаатдор идоралар томонидан
лойиҳаларга электрон кўринишдаги виза қўйилишини таъминласинлар.

4. Ушбу талабларга қатъий риоя қилиниши бўйича шахсий жавобгарлик биринчи раҳбар ва ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаган масъул ижрочилар зиммасига юклансин.

5. “Е-qaror” электрон тизимини юритиш учун Ф.И.Ш. масъул этиб белгилансин.

6. Ушбу буйруқ ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Ташкилот раҳбари

Ф.И.Ш

Тайёрлади: вилоят ҳокимлиги
ташкилий-назорат гуруҳи биринчи
тоифали мутахассиси

 А. Абдураимов